

ОЙБЕК УСЛУБИНинг ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Якубов Одил Исаханович

Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада халқ оғзаки ижоди бой хазинаси Ойбек услугбининг шаклланиши ва юксалишида муҳим манба вазифасини ўтагани тадқиқ этилган. Бу омил ёзувчи ўзининг эстетик идеалларини юзага чиқариши, давр колорити, қаҳрамонларнинг кайфият-холатларини ишонарли, эстетик таъсиранчан ифодалashi, наср ва назм мутаносиблигини таъминлашига яқиндан ёрдам бергани кўрсатилган.

Калит сўзлар: фольклор, ижодий услуб, эстетик идеал, давр колорити, таъсиранчиклик, наср ва назм мутаносиблиги, поэтик маҳорат/

Адабиётшунос олим Охунжон Собировнинг “Ойбек ижодида фольклор” [3.95] рисоласида Муса Тошмуҳаммад ўғли – Ойбекнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш маҳорати ўрганилган. Олим Ойбек достонларидан, “Қутлуғ қон” романидаги Йўлчи характеридан, “Навоий” романи инсонпарварлик пафосидан, “Олтин водийдан шабадалар” романидаги жамоа хаёти тасвирларидан фольклор унсурларини излайди. Шу орқали: “Ойбек ўз асарларида фольклор руҳидан, мотивларидан ижодий озиқланди, халқ қаҳрамонлари типлари, миллий характерлар яратиш учун фольклорнинг қаҳрамонлик, эркпарварлик пафосидан, халқчил руҳи ва оптимизмидан, мукаммал ишланган умумлашма образларидан илҳом олди”, - деган фикрни илгари суради. [3.95]

Биз ҳам ушбу мақолада ёзувчининг «Болалик хотираларим» хотира-қиссаси ва «Қутлуғ қон» романидаги айрим образларни халқона оҳанглар орқали инкишоф этишдаги Ойбек маҳоратини имкон қадар кузатишга ҳаракат қилдик. [1.] Жумладан, баҳорий кайфият Гулнор дилига хушнудлик бағишилагани боис, унинг қўшиқларида майин оҳанглар оқади. Томда ўйнаётган ва дунё ташвишларидан бехабар болакайлар қушиғи ҳам улар кайфиятига монанд:

*Лайлак келди, ёз бўлди,
Қаноти қозоз бўлди. [1.167]*

Аксинча, бойнинг қизи Нури ҳақида сўзлаганида ёзувчи болалар тилидан халқ қўшиқларининг танқидий мазмундаги матнларини қўллади:

*Ёмгир ёғалоқ,
Эчки туғалоқ.
Бойнинг қизининг
Қорни юмалоқ.* [1.98]

Алиохуннинг янгроқ қўшиғида эса иқтисодий начорлик туфайли вақтида оила қура олмаган, тирикчилик ташвишида сарсон мардикору косибнинг орзу ва армонлари мужассамлашган:

*Ман сафарга чиққандা
Ёр эшигида қолган.
«Қачон калисан ёр?» дап,
Қора кўзга ёш олган.*

*Кунда кўрмадим ёрни,
Кунида кўрарман дап,
Ўмид узмадим ёрдан
Ўлмасам суюрман дап.* [1.52]

Ойбек хотираларга берилар экан, ўша пайтдаги ўйлари ҳақида шундай ёзади: «Дастурхонда ҳар кунги нон, фақат нон. Ёз ҳам йўқ, сут ҳам йўқ. Сигирни аллақачон сотиб юборганимиз. Қанд ҳам йўқ, туршак ҳам йўқ. «Хеч бўлмагандга жийда бўлса-чи», деб ўйлайман ичимда, аммо индамайман.»

Бу ҳолат «Болалик хотираларим» хотира-қиссасида келтирилган мана бу халқ қўшиғига нақадар вобаста:

*Минишга улов бўлса,
Қиши келди, олов бўлса!
Қор қалин, совуқ қаттиқ,
Сергўшт бир палов бўлса!...* [1.36]

Шаҳар кўрган аравакаш Жўра («Қутлуғ қон») отни ҳарқанча ардоқлаб, унга бўлган тизгинсиз меҳрини ифода этмасин, от сотиб олишга-да, ҳаётини изга солишига-да қўли қалталик қиласди. Унинг ожиз ва начор, айни пайтда эртадан умидвор ҳолати тасвирида Ойбек давр колоритини қаҳрамоннинг хаста ва бўғиқ товушда хиргойи қилган қўшиғи орқали айнан «шахар кўрганлигига» монанд тарзда ифодалайди:

*Люблю, люблю Мамажон, люблю, Мамажон,
Стаканда чой ичган люблю Мамажон.* [1.21]

«Қутлуғ қон» романи қаҳрамонларидан бири Шокир ота хаста овозда куйлади. Унинг қўшиғи худди йиги каби ёхуд ғарип ва дардкаш одамнинг йўқлаши каби туюлади:

*Кўрмасайдим бу умр саҳросини,
Чекмагайдим кўкка ўтлик оҳини.
Пора-пора йиртди кўксимни ситам,
Сўргучи борми кўнгилнинг зорини? [1.283]*

Кўринадики, Ойбек услубининг шаклланишида халқона оҳанглардан баракали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи «Болалик хотираларим» хотира-қиссаси ва «Қутлуғ қон» романида халқ оғзаки ижодининг бой хазинасидан баракали фойдаланади. Шу орқали ўзининг эстетик идеалларини юзага чиқаришга, қаҳрамонларнинг қайфият-холатлари, давр колоритини ишонарли, эстетик таъсирчан ифодалашга, наср ва назм мутаносиблигини таъминлашга муваффақ бўлади.

Ойбек насли тасвир усулига шоирона гўзаллик, мазмун теранлиги, эпик кўламдорлик бағишлигар омиллар адабиётшунослигимизда узоқ йиллар талқин қилинганидан анча кенгроқдир. Муҳими, адаб миллий ўзлигини англашида тарихий хотира ҳам муҳим восита вазифасини ўтаган.

Ойбек “Қутлуғ қон” асарини яратиб ўзбек тарихий романчилигининг жанр хусусиятларинигина эмас, балки кейинги тараққиёт йўлини ҳам белгилаб берди. “Навоий” романи билан эса ўзбек тарихий-биографик роман жанрига асос солди. Бемалол айта оламизки, “Болалик хотираларим” хотира-қиссасида яқин ўтмиш ҳақидаги ҳақиқат гўзал бадиий либосда иакс этган. Бинобарин, бу асар нафақат ижтимоий-сиёсий, балки улкан эстетик қимматга ҳам эга.

ИҚТИБОСЛАР:

1. Ойбек. Болалик хотираларим. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1995.
2. Ойбек. Қутлуғ қон. – Тошкент, Ўқитувчи. 1980.
3. Собиров О. Ойбек ижодида фольклор. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975.